



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 26 » mart

№ 136

Toshkent sh.

### Айдар-Арнасой кўллар тизими бошқарувини ташкил этишининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Айдар-Арнасой кўллар тизими бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 22 февралдаги ПҚ-141-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Айдар-Арнасой кўллар тизимидан самарали фойдаланиш, экологик ҳолатни яхшилаш, аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, худудда ҳайвонот ва ўсимлик дунёси муҳофазасини кучайтириш, туризм салоҳиятидан тизимли фойдаланишни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Айдар-Арнасой кўллар тизими бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 22 февралдаги ПҚ-141-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги “Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси” давлат унитар корхонаси Сув хўжалиги вазирлиги муассислигидаги “Айдар-Арнасой кўллар тизими” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда – “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ) сифатида қайта ташкил этилганлиги ҳамда унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

#### 2. Куйидагилар:

Айдар-Арнасой кўллар тизимидан фойдаланишни тубдан такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ;

“Айдар-Арнасой кўллар тизими” масъулияти чекланган жамиятининг моддий-техник базасини шакллантириш учун сотиб олинадиган моддий-техника воситаларининг рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимида “Арнасой” сув омборининг барча бино ва гидротехника иншоотлари ҳамда штат бирликлари Жиззах вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармасида ўзгартиришсиз қолдирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ маблағлари ҳисобидан ҳар йили 1 декабрга қадар шартнома асосида Айдар-Арнасой кўллар тизимининг (кейинги ўринларда – кўллар тизими) сув ҳавзасини, сувни муҳофаза қилиш зонаси ва соҳил бўйи миңтақалари чегараларини хатловдан ўтказиб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги:

келажакда Сирдарё ҳавзасида сув ресурслари ҳажмининг камайиш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда, кўллар тизимининг қисқа ва узоқ муддатли истиқболда сув ҳажми ва экологик ҳолатини моделлаштириш ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар бўйича илмий-тадқиқот лойиҳасини амалга оширсин;

кўллар тизимида балиқчилик, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини кўпайтириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун 2022 йилдан бошлаб лойиҳалар танловини эълон қилиб борсин;

Сув хўжалиги вазирлиги, Жizzах вилояти ҳокимлиги ва Сирдарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда кўллар тизимида қўйиладиган коллектор-дренаж сувларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг заарли таъсирини камайтириш бўйича Истроил ҳамда араб давлатларининг тажрибасини ўрганган ҳолда, илмий асосланган таклиф киритсин;

Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 июня қадар кўллар тизимида экологик мувозанатни сақлаш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган дастур ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Жizzах вилояти ҳокимлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофazaga қилиш давлат қўмитаси:

кўллар тизимида туташ ҳудудларда жойлашган давлат захирасидаги ер майдонларини ўрмон хўжаликларига ажратиб бериш;

Оролбўйи ҳудудларини ўрмонлаштириш бўйича тажрибалардан келиб чиқсан ҳолда, 2022–2023 йилларда 500 гектар майдонда чўл ўсимликларидан ҳимоя ўрмонзонларни барпо этиш чораларини кўрсин.

6. Айдар-Арнасой кўллар тизимидан самарали фойдаланиш, экологик ҳолатни яхшилаш, сув сатҳини барқарор сақлаш, сув билан таъминлаш ва шўрланиш даражасини камайтириш бўйича республика ишчи гуруҳининг таркиби З-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гурух (Ш.М. Фаниев):

ҳар йили баҳор ва куз ойларида кўллар тизими билан боғлиқ экологик ҳолатни жойига чиқсан ҳолда ўрганиб, унинг салбий оқибатларини таҳлил қилиш ва олдини олиш бўйича таклиф киритсин;

мазкур қарорнинг бажарилишини тизимли назорат қилсин ҳамда масъул вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилган ишларни ҳар чорак якуни бўйича таҳлил қилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграп ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Ш.М.Ғаниев ҳамда Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р.Хамраев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 26 марта 136-сон қарорига  
1-илова

**Айдар-Арнасой кўллар тизимидан фойдаланишни тубдан такомиллаштириш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

T/p	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Айдар-Арнасой кўллар тизимида экологик муҳит ёмонлашувининг олдини олиш</b>				
1	Айдар-Арнасой кўллар тизимида (кейинги ўринларда – кўллар тизими) қуйиладиган коллектор-дренаж сувларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг заарли таъсирини камайтириш бўйича Истроил ҳамда араб давлатларининг тажрибасини ўрганган ҳолда илмий асосланган таклиф тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Таклиф	2022 йил июль	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Жizzах вилояти ҳокимлиги, Сирдарё вилояти ҳокимлиги
2	Кўллар тизимида туташ ҳудудларда чўл ўсимликларидан ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш мумкин бўлган ер майдонларини аниқлаш ва белгиланган тартибда ўрмон фонди ерлари тоифасига ўтказиш чораларини кўриш, бунда: ишлиб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан маблағларни маҳаллий бюджетларда назарда тутиш ва белгиланган муддатларда ажратиб бориш; Жizzах ва Навоий вилоятларининг кўллар тизимида туташ ҳудудларнинг ўрмон фонди ерлари тоифасига	Чора-тадбирлар дастури	2022–2023 йиллар давомида	Жizzах вилояти ҳокимлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	ўтказилган ерларнинг 500 гектарида чўл ўсимликларидан ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш.			
3	<p>Жиззах бош коллектори ва Марказий Мирзачўл коллекторига ифлосланган оқова сув ташловчи потенциал манбаларни аниқлаш.</p> <p>Жиззах ва Гулистон шаҳарлари коммунал хўжалик ва саноат ташкилотида ҳосил бўлаётган оқова сувлар сифатининг белгиланган норматив талабларга мувофиқлиги юзасидан мониторинг ўтказиш.</p>	Ташкилий тадбирлар	<p>2022 йил май</p> <p>Даврий равища</p>	<p>Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси,</p> <p>Сув хўжалиги вазирлиги,</p> <p>“Ўзсувтаъминот” АЖ</p>
4	<p>Кўллар тизимиға ташриф буюрувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида рекреацион кўллар худудида қутқарув бригадасини ва унинг фаолиятини ташкил этиш, бунда:</p> <p>белгиланган тартибда пляж зоналари ташкил этилиши учун жавобгарликни ташкилот раҳбари зиммасига юклаш;</p> <p>сув сатҳидан қатъи назар, сув акваториясига туташ худуд, шунингдек, сув сатҳи чизигидан 100 м доирадаги сув юзаси участкаси соғломлаштириш ва спорт мақсадлари ёки фукароларнинг дам олиши учун мўлжалланган сув ҳавзаларидан фойдаланадиган ташкилотларнинг жавобгарлик зонаси ҳисобланишини белгилаш.</p>	Фавқулодда вазиятлар вазириининг буйруғи	2022 йил июнь	<p>Фавқулодда вазиятлар вазирлиги,</p> <p>“Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
5	Қозоғистон Республикасининг “Чордара” сув омборидан кўллар тизимиға сув ташлаш юзасидан Ҳукуматлараро ишчи гуруҳ тузиш чораларини кўриш.	Ташкилий тадбирлар	2022 йил	<p>Сув хўжалиги вазирлиги,</p> <p>Ташки ишлар вазирлиги</p>
6	Кўллар тизимиға ирригация тизими каналлари орқали ҳар йили қўшимча сув ташлаш чораларини кўриш.	Ташкилий тадбирлар	Ҳар йили жадвал бўйича	<p>Сув хўжалиги вазирлиги,</p> <p>Жиззах вилояти ҳокимлиги,</p>

T/p	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
7	<p>Кўллар тизимидағи сувнинг аниқ ҳажмини аниқлаш учун ботиометрик ўлчовлар ўтказиш. Кўллар тизимига сув ташловчи сув хўжалиги обьектларида сувнинг хисобини юритишни рақамлаштириш.</p> <p>Кўллар тизимида қўшимча гидрологик ва бошқа кузатув пунктларини ташкил қилиш.</p>	Чора-тадбирлар дастури	2022 йил май	<p>Навоий вилояти ҳокимлиги</p> <p>Сув хўжалиги вазирлиги</p> <p>Гидрометеорология хизмати маркази, Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фанлар академияси</p>
8	Кўллар тизимининг рекреацион зоналар ҳудудларида ҳосил бўладиган майший оқова сувларни олиб чиқиши ва заарсизлантириш учун унга энг яқин бўлган майший оқова сувларни тозалаш иншоотларига олиб бориш ёки оқова сув тозалаш иншоотларини қуриш юзасидан таклиф тайёрлаш.	Таклиф	2022 йил июль	<p>“Ўзсувтаъминот” АЖ, Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги</p>

## II. Айдар-Арнасой кўллар тизимида балиқчиликни ривожлантириш

9	<p>Кўллар тизимида балиқ захирасини кўпайтириш, бунда:</p> <p>Арнасой сув омборида балиқ овлашга бир йилга мораторий эълон қилиш;</p> <p>мораторий даврида балиқ овлаш ҳолатлари аниқланганда, овланган балиқларни меҳрибонлик уйларига, боғча ва мактабларга тарқатиш;</p>	<p>Чора-тадбирлар дастури</p> <p>Ташкилий тадбирлар</p>	<p>2022 йил апрель</p> <p>2023 йил 1-апрелга қадар</p>	<p>Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ</p>
---	---	---	--	--

T/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	кўлни ов қилиш куролларидан тўлиқ тозалаш; мелиорация ишларини амалга ошириш.		Ҳар йили жадвал бўйича	“Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ
10	<p>Маҳаллий аҳолини доимий иш билан таъминлаш мақсадида “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖнинг “Балиқ ишлаб чиқариш” мажмуасини барпо этиш учун Айдар-Арнасой кўллар тизимининг “Тузкон” ҳудудидан 50 гектар ер майдонини белгилangan тартибда ажратиш.</p> <p>“Балиқ ишлаб чиқариш” мажмуаси таркибидаги ер участкаларининг кадастр хужжатларини белгилangan тартибда расмийлаштириш.</p> <p>Жizzah viloyati maҳalliy budget mablaglari xisobidan “Baliq ishlab chiqariш” mажmuasiga olib keluvchi йўлларни taъmirlash, доимий elektr enerqiya va ichimlik suvi bilan taъminlaш choralarini kўriш.</p>	<p>Жizzah viloyati xokiminining qarori</p> <p>Ташкилий тадбирлар</p> <p>Чора-тадбирлар daстури</p>	<p>2022 йил май</p> <p>2022 йил сентябрь</p> <p>Daстурda kўrsatilgan muddatlarда</p>	<p>Жizzah viloyati xokimligi, Сув хўжалиги вазирлиги, Кишлоқ хўжалиги вазирлиги</p> <p>Кадастр агентлиги, Жizzah viloyati xokimligi, “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ,</p> <p>Транспорт вазирлиги, “Худудий elektr tarmoqlari” AJ, Жizzah viloyati xokimligi, “Ўзсувтаминот” AJ</p>
11	“Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ томонидан овланган балиқ турларининг доимий савдосини ташкил этиш учун деҳқон бозорларида енгил конструкцияли балиқ сотиш нуқталари ажратилишини таъминлаш.	Ташкилий тадбирлар	Мавсум давомида	Toшкент шаҳар xokimligi, Жizzah viloyati xokimligi, Самарқанд viloyati xokimligi,

T/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
				Навоий вилояти ҳокимлиги, “Ўзбекбалиқсаноат” ўюшмаси
<b>III. Кўллар тизимида туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш</b>				
12	Кўллар тизимининг “Тузкон” кўли қирғоги бўйлаб велосипед, квадроцикл, от ва түяда сайр қилиш худудларини ташкил қилиш.	Чора-тадбирлар дастури	2023 йил апрель	Жizzах вилояти ҳокимлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ
13	Кўллар тизимининг туристик салоҳиятини кўрсатувчи тарғибот материаллари асосида хорижий давлатларда ташкил қилинадиган туристик ва бошқа тадбирларда тақдимотлар ўтказиш.	Амалий чоралар	Йил давомида	Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Жizzах вилояти ҳокимлиги, “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ
14	Кўллар худудида қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш.	Чора-тадбирлар дастури	Йил давомида	“Худудий электр тармоқлари” АЖ, Жizzах вилояти ҳокимлиги, “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси

T/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
15	Кўллар тизими атрофида 2 км масофа кенглигига чорвачилик билан шуғулланишга мораторий ўрнатиш.	Чора-тадбирлар дастури	Доимий	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ
16	Кўллар тизими атрофида туристик зоналар ташкил этиб, сув акваторияси ҳудудларини бириттириш.	Чора-тадбирлар дастури	Доимий	Сув хўжалиги вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ

#### IV. Кўллар тизимида назорат тизимини ривожлантириш

17	<p>Кўллар тизими акваториясини муҳофаза қилиш ҳамда ғайриқонуний ов қилишнинг (браконьерлик) олдини олиш мақсадида:</p> <p>Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 3 мартағи 124-сон қарори билан тасдиқланган Айдар-Арнасой кўллар тизими участкаларини балиқ овлаш хўжаликлари тасарруфига бериш ҳамда саноат балиқ овлашини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиқиши ва такомиллаштириш;</p> <p>“my.mehnat.uz” электрон манзилида идентификация қилинган ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг “Эконазорат” ахборот</p>	Таклиф	2022 йил май	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, манбаатдор вазирлик ва идоралар
----	---	--------	--------------	---

T/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	тизимида қайд этилган шахсларга балиқчилик гувоҳномасини электрон шаклда расмийлаштириш; саноат мақсадида балиқ овлашни самарали назорат қилиш мақсадида овланган балиқ миқдори ва турларини “Эконазорат” ахборот тизими орқали шаклланадиган ва солиқ органларига интеграцияланган электрон юқатини расмийлаштириш орқали қайд этиш ҳамда реализация қилиш тизимини жорий этиш юзасидан норматив-хукуқий хужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф тайёрлаш.			
18	Жисмоний ва юридик шахслар томонидан кўллар тизимида саноат усулида балиқ овлашга жорий этилган мораторийга риоя этилиши бўйича назорат тадбирларини амалга ошириш, бунда:  браконьерлик ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, хукуқбузарларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;  кўллар тизими акваториясида патруль хизматини олиб бориш;  сувдан тўрларни ва ов қилиш қуролларини йиғиб олиш;  назорат постларида автотранспорт воситаларини кўздан кечириш.	Ташкилий тадбирлар	2023 йил 1 апрелга қадар	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги
19	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси хузуридаги Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспекциясининг юридик шахс мақомига эга бўлмаган Айдра-Арнасой кўллар тизими бўлимини ташкил этиш.	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг буйруғи	2022 йил апрель	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги,

T/p	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	Арнасой кўллари тизими бўлимининг моддий-техник базасини шакллантириш, шу жумладан, дронлар билан таъминлаш.	Ташкилий тадбирлар	2022-2023 йиллар	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қискартириш вазирлиги

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 26 мартағи 136-сон қарорига  
2-илова

“Айдар-Арнасой кўллар тизими” масъулияти чекланган жамиятининг  
моддий-техник базасини шакллантириш учун сотиб олинадиган  
моддий-техника воситаларининг  
РЎЙХАТИ

(млн сўм)

Т/р	Моддий-техника воситалар номи	Сони	Дастлабки қиймати*	шу жумладан:		Молиялаштириш манбай
				2022 йил	2023 йил	
1	Экскаватор	2	3 270	1635	1635	
2	Бульдозер	2	2 180	1090	1090	
3	Юк ташувчи ISUZU русумли автотранспорт	2	872	436	436	
4	ISUZU русумли автобус	2	545	272,5	272,5	
5	“Ман” юк машинаси (18 тонналик)	4	4 360	2 180	2180	
6	Юклагич	2	1 090	545	545	
7	Йўлтанламас автомашина	2	763	381,5	381,5	
8	“Нива” автомобили	4	872	436	436	
9	“Арион” ер ҳайдаш трактори	2	1 090	545	545	
10	“ТТЗ 80” русумли трактор	2	872	436	436	
11	Грейдер	1	872	436	436	
12	Треллер	2	2 180	1 090	1090	
13	“Казанка М5” двигателли 40-60 қайиқлар	5	817,5	408,8	408,8	“Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖга Давлат солиқ қўмитаси махсус жамғармаси ҳисобидан бериладиган бегараз молиявий кўмак маблаглари ҳисобидан
14	“Амур” двигателли 40-90 қайиқлар	5	817,5	408,8	408,8	
15	“Прогресс” двигателли 40-60 қайиқлар	5	1 090	545	545	
16	Эхолот	2	21,8	10,9	10,9	
17	GPS мосламалари	47	102,4	51,2	51,2	
18	Хизмат автотранспорт воситаси**	4	654	327	327	
Жами:			22 469,2	11 234,6	11234,6	

\* ) Тендер ёки танлов савдолари натижаларига кўра аниқлик киритилади.

\*\*) Ўзбекистонда ишилаб чиқарилган автотранспорт воситалари назарда тутилади.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 26 марта \_136-сон қарорига  
3-илова

**Айдар-Арнасой кўллар тизимидан самарали фойдаланиш,  
экологик ҳолатни яхшилаш, сув сатҳини барқарор сақлаш, сув билан  
таъминлаш ва шўрланиш даражасини камайтириш бўйича  
республика ишчи гуруҳининг**

**ТАРКИБИ**

- |                           |   |
|---------------------------|---|
| 1. Ш.М. Фаниев            | — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари, ишчи гуруҳ раҳбари   |
| 2. Ш.Р. Хамраев           | — сув хўжалиги вазири, ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринbosари  |
| 3. Н.Н. Обломуродов       | — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси, ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринbosари |
| 4. И.Ю. Абдурахманов      | — инновацион ривожланиш вазири  |
| 5. Ш.Ж. Тешаев            | — қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринbosари   |
| 6. И.И. Норқулов          | — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринbosари  |
| 7. О.З. Насритдинходжаев  | — молия вазирининг биринчи ўринbosари   |
| 8. <i>Лавозимига қўра</i> | — фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринbosари  |
| 9. У.А. Аъзамов           | — туризм ва маданий мерос вазирининг биринчи ўринbosари   |
| 10. С.А. Нишонбоев        | — ички ишлар вазири ўринbosари  |
| 11. Ш.Ж. Рахимов          | — Бош прокурор ўринbosари (келишувга кўра)  |
| 12. Э.А. Салиев           | — Жizzах вилояти ҳокими   |
| 13. Н.Т. Турсунов         | — Навоий вилояти ҳокими   |
| 14. F.F. Мирзаев          | — Сирдарё вилояти ҳокими  |
| 15. Б.С. Юлдашев          | — Фанлар академияси президенти  |
| 16. Ш.Х. Хабибуллаев      | — Гидрометеорология хизмати маркази бош директори   |
| 17. У.М. Мустафоев        | — “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқарув раиси   |
| 18. А.Б. Ўразкелдиев      | — Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти директори в.б.   |
| 19. Х.Х. Ишанов           | — Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими, ишчи гуруҳ котиби   |

**Изоҳ.** Ишчи гуруҳ аъзолари бошига ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига уибу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишили функцияларни бажарии зиммасига юклangan шахслар киритилади.